

УДК 338.47:332.1

ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДНИНГ ТРАНСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Муродов Абдурахим Сойибович

Катта ўқитувчи

Тошкент давлат транспорт университети, Ўзбекистон

E-mail: abdurahimmurodov579@gmail.com

Tel. +998903304714

Аннотация. Иқтисодий ҳудуднинг транспорт-логистика салоҳияти унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва рақобатбардошлигини белгилайди. Мазкур тадқиқотнинг мақсади ҳудуд транспорт салоҳиятининг транспорт хизматлари ҳажми ва сифатига таъсирини баҳолашдан иборат. Тадқиқотда Хоразм вилояти мисолида транспорт салоҳиятига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилиниб, корреляция ва регрессия усуллари асосида баҳолаш амалга оширилди. Натижада транспорт хизматлари ҳажмига энг катта таъсир кўрсатувчи омил сифатида транспорт корхоналари сони аниқланди ҳамда транспорт салоҳиятини баҳолашнинг интеграл тенгламаси таклиф этилди.

Калит сўзлар: транспорт салоҳияти, логистика, корреляция таҳлили, транспорт хизматлари, инфратузилма

Аннотация. Транспортно-логистический потенциал экономического региона определяет уровень его социально-экономического развития и конкурентоспособности. Целью данного исследования является оценка влияния транспортного потенциала региона на объём и качество транспортных услуг. В исследовании на примере Хорезмской области проанализированы факторы, оказывающие влияние на транспортный потенциал, и проведена его оценка с использованием методов корреляционного и регрессионного анализа. В результате установлено, что наибольшее влияние на объём транспортных услуг оказывает количество транспортных предприятий, а также предложено

интегральное уравнение оценки транспортного потенциала региона.

Ключевые слова: транспортный потенциал, логистика, корреляционный анализ, транспортные услуги, инфраструктура.

Abstract. The transport and logistics potential of an economic region determines its level of socio-economic development and competitiveness. The purpose of this study is to assess the impact of a region's transport potential on the volume and quality of transport services. Using the case of the Khorezm region, the factors influencing transport potential were analyzed, and an assessment was carried out using correlation and regression analysis methods. The results showed that the number of transport enterprises is the factor with the greatest impact on the volume of transport services. In addition, an integrated equation for assessing the transport potential of a region was proposed.

Keywords: transport potential, logistics, correlation analysis, transport services, infrastructure.

Кириш. Транспорт-логистика тизими иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ҳудудларнинг барқарор ривожланишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Иқтисодий адабиётларда “салоҳият” тушунчаси ресурслар ва имкониятлар йиғиндиси сифатида талқин қилинади.

Транспорт салоҳияти тушунчаси турли олимлар томонидан турлича изоҳланган, масалан айрим манбаларда транспорт инфратузилмаси, ресурслар ва ташкилий механизмлар йиғиндиси сифатида қаралади.

Шундан келиб чиқиб, мазкур тадқиқотда транспорт салоҳияти ҳудуддаги транспорт тизими элементларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг транспорт хизматлари самарадорлигига таъсири сифатида қаралади.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили. Салоҳият тушунчаси мазмундан келиб чиққан ҳолда замонавий илмий манбаларда “транспорт салоҳияти”, “транспортнинг иқтисодий салоҳияти” атамалари пайдо бўлди ва уларга турлича ёндашувлар мавжуд.

Рус тадқиқотчиси О.А.Фрейдман транспорт салоҳиятига қуйидагича таъриф берган, “Транспорт салоҳияти минтақанинг транспорт тизимининг

сиғими бўлиб, у транспорт тизимининг зичлигини, мултимодал ташиш учун мўлжалланган пунктларнинг мавжудлиги ва сонини, транспорт ва ташиш турлари учун параллел транспорт йўлларнинг сонини ўзида акс эттиради. Транспорт тизимининг ривожланиш хусусиятлари транспорт салоҳиятини белгиловчи кўрсаткичдир”.

Шунингдек, О. А. Фрейдман минтақанинг транспорт салоҳиятини таҳлил қилиш структурасини таклиф қилди, хусусан:

- мавжуд транспорт турларининг ҳозирги ҳолати,
- йўловчи ва юк айланмасини таҳлил қилиш;
- минтақанинг мамлакат транспорт тизимидаги ўрни;
- ташқи савдо айланмасида иштирок этиш.

Ундан ташқари, транспорт салоҳиятига таъсир этувчи қуйидаги асосий омилларни кўрсатиб ўтган:

- ҳудуднинг географик жойлашуви (шаҳар бирлиги);
- иқлим шароити;
- иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш даражаси;
- ҳудуднинг тармоқ ихтисослашуви.

Н.Ю.Сандакова фикрига кўра, “Минтақанинг транспорт салоҳияти - бу минтақанинг стратегик мақсадларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун алоқа хизматларининг имкониятларини белгилайдиган транспорт ресурслари (объектлар, тизимлар ва инфратузилмалар), шунингдек улардан фойдаланишнинг ташкилий механизмлари ва жараёнлари”.

В.А.Рубан эса “Минтақанинг транспорт салоҳияти - бу минтақа транспорт инфратузилмасининг маълум бир сифат даражасидаги транспорт хизматларига мавжуд ва прогноз талабини қондириш учун умумий имкониятларидир” деб ҳисоблайди.

Транспорт салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш шаклланган транспорт ресурсларининг тавсифини ҳам, уни такомиллаштириш йўналишларини ҳам ўз ичига олиши керак, бу ҳудудни инвестициявий ривожлантиришнинг стратегик устуворликларини аниқлаш имконини беради. Транспорт салоҳияти

минтақанинг транспорт тизимининг имкониятини ва унинг ривожланишини акс эттиради.

И.В.Мяновский ўзининг “Транспортный потенциал и его экономическая оценка” мавзусидаги илмий ишида “транспортнинг иқтисодий салоҳияти” деган тушунчани қуйидагича асослаган: “Мамлакат (минтақа, муайян ҳудуд) даражасидаги транспортнинг иқтисодий салоҳияти деганда моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва аҳолининг маълум йўналишларда ва маълум (берилган) вақт ичида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан - транспорт инфратузилмаси, ҳаракатланувчи таркиб ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда, маълум сифат кўрсаткичлари билан (тезлик, хавфсизлик, хавфсизлик ва бошқалар.) маълум турдаги маҳсулотларни ташишга бўлган талабини қондиришнинг максимал миқдорий даражаси (ҳажми) тушунилиши керак. Транспортнинг иқтисодий салоҳияти натурал, шартли натурал ва қиймат жиҳатидан ўлчаниши мумкин”.

Рус тадқиқотчиси В.А.Рубан транспорт салоҳиятини “маълум бир сифат даражасидаги транспорт хизматларига бўлган талабни қондиришга қаратилган транспорт инфратузилмаси имкониятлари йиғиндиси” деб ҳисоблайди. Транспорт салоҳияти ундаги субъектларнинг иқтисодий ва ноиқтисодий манфаатларининг пайдо бўлиши жараёнида намоён бўлади. Иқтисодий манфаатлар юкларни ташиш ва меҳнат ресурсларини таъминлашда намоён бўлади. Улар ҳудуднинг барча субъектлари – аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат органлари томонидан шакллантирилади ва уларнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқ ўзига хос хусусиятга эга.

Иқтисодий бўлмаган манфаатлар рекреацион ва бошқа характердаги йўловчилар оқимини ташкил этишда аҳоли, шунингдек тадбиркорлик ва давлат сиёсати билан белгиланади. Шу билан бирга, иқтисодий ва ноиқтисодий манфаатлар бир бутунликда бирлашади.

Ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиши унинг транспорт салоҳиятига боғлиқ ва уларнинг ўртасида ўзаро боғлиқлик бор. Транспорт салоҳияти бутун минтақанинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш

ва ривожлантириш имкониятларига чекловлар қўйгани каби, иқтисодий салоҳиятдан фойдаланишнинг прогноз даражаси транспорт салоҳиятини ривожлантириш шартларини белгилайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб транспорт салоҳияти тушунчасини қуйидагича таснифлаш мумкин.

Транспорт салоҳияти бу транспорт фаолиятининг мукамал равишда ишлаши учун зарур бўладиган, аҳолининг ва юк эгаларининг транспорт хизматларига бўлган талабларини тўлиқ қондиришга қаратилган барча моддий ва номоддий элементларнинг йиғиндиси.

Илмий жиҳатдан транспорт салоҳиятини қуйидагича талқин қилиш мумкин, “транспорти салоҳияти” бу иқтисодий ҳудуддаги транспорт соҳаси таркибий қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги бўлиб, мазкур ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши ва барқарорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида уларни ўрганиш ва таҳлил қилишни англатади.

Транспорт салоҳияти концепцияси минтақа ёки мамлакатнинг мавжуд транспорт ресурслари ва инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда юк ва йўловчиларни самарали ташиш қобилиятини англатади ва у жисмоний жиҳатларни (автомобиллар, темир йўллар, аэропортлар ва портларнинг сони ва ҳолати) ва ташкилий ҳамда иқтисодий омилларни ўз ичига олади.

Транспорт салоҳиятини турли тасниф белгилари бўйича турларга ажратиш мумкин.

Транспорт салоҳиятининг таснифланши¹

Тасниф белгиси	Тури	Тавсифи
Ҳудудий кўламига кўра	Катта Кичик	– бирор бир мамлакатнинг ёки иқтисодий ҳудуднинг транспорт салоҳияти – юк ёки йўловчи ташиш билан шуғулланувчи корxonанинг транспорт салоҳияти
Даражасига кўра	Эришилган Истиқболдаги	– барча мавжуд воситалардан ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилганда эришилган транспорт маҳсулоти хажми бўйича аниқланади – янги технологиялар ёки инвестициялар

¹ маълумотлар асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

		тадбиқ этилгандан кейинги максимал даражада эришилиши мумкин бўлган транспорт маҳсулоти хажми бўйича аниқланади
Иқтисодий ўлчамига кўра	Катта улушли Кам улушли	– мамлакатнинг ёки иқтисодий ҳудуднинг ЯИМидаги транспорт улуши $5\% >$ бўлса – мамлакатнинг ёки иқтисодий ҳудуднинг ЯИМидаги транспорт улуши $5\% <$ бўлса
Таъсир қилувчи омилларга кўра	Объектив Субъектив	– транспорт маҳсулотини ишлаб чиқишга жалб қилинадиган меҳнат, моддий, номоддий ва табиий ресурслар мажмуи; – ишчилар, меҳнат жамоаларининг ресурслардан фойдаланиш ва моддий неъматлар ва хизматларнинг максимал ҳажмини яратиш қобилияти; корхона, ташкилот, тармоқ, бутун иқтисодий тизимни бошқариш аппаратининг мавжуд ресурслардан оптимал фойдаланиш қобилияти.

Транспорт салоҳияти тушунчасига аниқлик киритишдан асосий мақсад республиканинг йирик иқтисодий ҳудудларидан бири бўлган Хоразм вилоятининг транспорт салоҳияти ва унга таъсир қилувчи омилларни ўрганишдир.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида таққослама ва солиштирма таҳлил, статистик таҳлил, корреляция таҳлили ва регрессия моделлаштириш усуллари қўлланилди.

Таҳлил учун Хоразм вилоятининг 2018–2024 йиллар давомидаги статистик маълумотлардан фойдаланилди.

Омиллар сифатида транспорт корхоналари сони, юк автомобиллари сони ва хусусий юк транспортлари сони танланди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳудудда транспорт хизматларининг ривожланиши ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлардан айримларининг ўзаро таъсирини баҳолаш учун маълум бир омилнинг таъсир даражасини ва улар ўртасидаги муносабатлар йўналишини аниқлаш имконини берувчи корреляция усулидан фойдаланамиз.

Омиллар таъсирини баҳолаш учун ушбу усулдан фойдаланиш, биринчи навбатда, корреляция таҳлилини ўз ичига олган стохастик усуллар ёрдамида

аниқ ўрганиладиган эҳтимоллик омиллари таҳлил қилиниши билан изоҳланади. Иккинчидан, ушбу таҳлил таҳлил қилинаётган омиллар таъсирининг яқинлигини ва боғланиш йўналишини аниқлашга имкон беради, бу омилнинг муҳимлик даражасини ва уни кучайтириш ёки заифлаштиришга қаратилган таъсир механизмини белгилайди.

Юк ташишни амалга оширувчи транспорт корхоналари сони, юк автомобиллари сони ва хусусий шахсларга тегишли бўлган юк автомобиллари сони.

Омилларни танлаш қуйидаги сабабларга кўра амалга оширилади:

худудда юк ташишни амалга оширувчи транспорт корхоналари сони - бундай корхоналар қанча кўп бўлса, рақобат шунчалик юқори бўлади, бу эса ҳар қандай транспорт турида юк ташишда барча учун маъқул нархлар бўлиши мумкинлигини англатади;

юк машиналари ва шахсий юк автотранспортлар сони - ташиш жараёнида бундай транспорт воситалари қанчалик кўп иштирок этса, йўлларнинг эскириши шунчалик юқори бўлади. Йўлларда тирбандлик сезиларли даражада ошади, вилоят бюджетига солиқ тушумлари (транспорт солиғи) ҳам ошади.

Ҳар бир аниқланган омил учун корреляция коэффициентини аниқлаймиз, у қуйидаги формулага мувофиқ ҳисобланади

$$R_{pk_i} = \frac{\sum_{i=1}^n (k_i - k^{\wedge}) \cdot (p_i - p^{\wedge})}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (k_i - k^{\wedge})^2 \cdot \sum_{i=1}^n (p_i - p^{\wedge})^2}} \quad [1]$$

бу эрда k_i – № 1-кўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати;

k^{\wedge} – № 1- кўрсаткичнинг кутилаётган (ўртача) қиймати;

p_i – № 2-сонли кўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати;

p^{\wedge} – № 2-сонли кўрсаткичнинг кутилаётган (ўртача) қиймати;

n – кузатишлар сони

Корреляция коэффициенти -1 дан 1 гача бўлган қийматларни олиши мумкин. Бундан ташқари, агар корреляция коэффициенти 0 бўлса, бу таҳлил қилинадиган кўрсаткичлар ўртасида корреляция йўқлигини кўрсатади, агар 1 (-1) бўлса - кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик кучли. Биринчи гуруҳ омиллари

учун (яъни, транспорт хизматлари хажмига таъсир қилувчи) корреляция коэффициентини ҳисоблаймиз. Ҳисоблаш учун барча дастлабки маълумотлар 7 йил давомида динамикада келтирилган. Таҳлил қилинадиган давр сифатида 2018-2024 йиллар даври танланган.

Ушбу гуруҳ омиллари (транспорт хизматлари хажмига таъсири) учун корреляция коэффициентини ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Корреляция коэффициентлари матрицаси

Омиллар	Корреляция коэффициентлари		
	1	2	3
Юк ташишни амалга оширувчи транспорт корхоналари сони, дона	0,989		
Юк автомобиллари сони, дона	0,853	0,898	
Хусусий шахсларга тегишли бўлган юк автомобиллари сони, дона	0,924	0,964	0,923

2-жадвал

Тенглама коэффициентларининг ҳисобланган қийматлари

R-квадрат	Омиллар	Коэффициентлар
0,99	Ү-кесишма	1061.37
	Юк ташишни амалга оширувчи транспорт корхоналари сони, дона	3.444
	Юк машиналари сони, дона	-0,026
	Хусусий шахсларга тегишли бўлган юк автомобиллари сони, дона	-2,318

Таҳлилдан шундай хулоса қилиш мумкинки, келтирилган учта омилдан транспорт хизматлар хажмига энг кўп таъсир қиладигани бу юк ташишни амалга оширувчи транспорт корхоналаридир. Лекин, ҳозирги кунда экологик муаммоларга алоҳида эътибор бериш талаб этилаётганлигини ҳисобга олиб транспорт корхоналарининг нафақат сони, балки уларнинг ушбу талабларга мослиги бўйича рейтингини юритиш мақсадга мувофиқ.

Транспорт хизматлари хажми ва сифатини таъминлашда ҳудуднинг транспорт салоҳияти муҳим роль ўйнашини ҳисобга олиб уни аниқлашда қуйидаги тенглама асосий баҳоловчи омил бўлиши мумкин:

$$T = T_{iqt} + T_{n.iqt} + T_{t.ekspl} \quad [2]$$

бу ерда:

T_{iqt} – транспорт салоҳиятини белгиловчи иқтисодий кўрсаткичлар гуруҳи;

$T_{n.iqt}$ – транспорт салоҳиятини белгиловчи ноиқтисодий кўрсаткичлар гуруҳи;

$T_{t.ekspl}$ – транспорт салоҳиятини белгиловчи технологик ва эксплуатацион кўрсаткичлар гуруҳи.

Иқтисодий кўрсаткичлар гуруҳига худуднинг транспорт-логистик инфратузилмаси ва транспорт маҳсулоти киради, улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Ноиқтисодий кўрсаткичлар гуруҳига худуднинг фазовий жойлашуви (транспортнинг қулайлиги) ва ташкилий жиҳатларни киритиш мумкин.

Технологик ва эксплуатацион кўрсаткичлар гуруҳига юкларни ташиш технологияси, транспорт воситаларидан фойдаланиш кўрсаткичларини киритамиз. Булар ҳам ўз ўрнида бир-бирига боғлиқ бўлган кўрсаткичлардир.

Хулоса ва талифлар. Ушбу кўрсаткичлар гуруҳи натижаларини мониторинг қилиш, уларни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш орқали транспорт хизматлар хажми ва сифати оширишга эришилади. Транспорт хизматларининг ривожланишига юқоридаги кўрсаткичларнинг таъсирини баҳолашда эксперт баҳолаш усулидан ташқари рақамли технологиялардан фойдаланиш мазкур жараёнларнинг юқори аниқликда бўлишига ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Фрейдман О.А. Анализ логистического потенциала региона. Монография. Иркутск: ИрГУПС, 2013–164с
2. Сандакова Н.Ю. Место и роль транспортной системы в социально-экономическом развитии региона // Вестник ВСГУТУ. – 2013. – №1(40). – С. 95-101
3. Рубан В.А. Транспортный потенциал Байкальского региона // Российское предпринимательство. — 2015. — № 4 (274). — с. 593-600.
<http://www.creativeconomy.ru/journals/index.php/rp/article/view/103/>

4. Мянковский И.В. Транспортный потенциал и его экономическая оценка: автореф. дисс. ... к.э.н.: 08.00.05 - Экономика и управление народным хозяйством (транспорт) / Москва, 2004.

5. Transportation and quality assurance system in agricultural sector. Z. Atadjanova, Sh.Kadirova, A. Murodov. E3S Web of Conferences 587, 04003 (2024)
<https://doi.org/10.1051/e3sconf/202458704003> GreenEnergy 2024

